

Хотин-қизлар фаоллари учун ташкилланган ўқув семинари давомида тадбиркорликка ўқитилган бир гуруҳ маҳалла аёлларига сертификатлар ҳам топширилди

Ўзбекистон тумани З-сектор ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаоллари учун ўқув семинари ташкилланди.

"Аёллар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни, оиласарда ажримларни олдини олиш" мавзусида ўтказилган семинарда вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари Дилоромхон Мехмонова иштирок этди.

Шунингдек, шу куни бир неча кун давомида тадбиркорликка ўқитилган 30 нафар хотин-қизларга тегишли сертификатлар ҳам топширилди. Бўлажак тадбиркор аёлларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини муваффақиятли йўл қўйиш юзасидан зарурий тавсия ва тилаклар билдирилди.





2022-12-13 10:58:04